

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УЎК: 657.3/4:378.4/6.014

ШАЙМАТОВА НАРГИЗА АШУРОВНА

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА
ИЧКИ АУДИТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08-«Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун
тайёрланган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор А.А.Остонокулов

Тошкент шаҳри – 2025 йил

1594

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	3
I БОБ.	ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ИЧКИ АУДИТНИНГ НАЗАРИЙ ҲАМДА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	12
1.1. §	Олий таълим муассасалари фаолиятини молиялаштиришнинг замонавий тенденциялари.....	12
1.2. §	Олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудитнинг зарурлиги ҳамда ўзига хос жиҳатлари.....	22
1.3. §	Олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудитнинг ҳуқуқий асослари.....	32
	Биринчи боб бўйича хулоса.....	42
II БОБ.	ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ИЧКИ АУДИТНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	45
2.1. §	Олий таълим муассасаларида сметалар ижроси ҳисобини юритиш амалиёти.....	45
2.2. §	Олий таълим муассасаларида молиявий ҳисоботлар ва уларнинг таҳлили.....	60
2.3. §	Олий таълим муассасаларида ички аудит хизмати фаолиятини амалга ошириш.....	72
	Иккинчи боб бўйича хулоса.....	80
III БОБ.	ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ИЧКИ АУДИТ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	83
3.1. §	Олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш.....	83
3.2. §	Олий таълим муассасаларида ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштириш.....	97
	Учинчи боб бўйича хулоса.....	106
	ХУЛОСА.....	109
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	113

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда «Халқаро бухгалтерлар федерацияси (IFAC) ҳамда Давлат молияси ва бухгалтерлик институти (CIPFA) томонидан эълон қилинган Давлат секторида молиявий ҳисоботдорлик индекси 2021 йил ҳисоботида кўра, ҳозирда дунё миқёсида давлатларнинг 30 фоизи бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблаш методига асосланган ҳолда, давлатларнинг 40 фоизи эса, бухгалтерия ҳисобининг касса усулига асосланган ҳолда ҳисобот топшириб келмоқда. Шунингдек, бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблаш методини жорий қилган давлатларнинг 57 фоизи Давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (IPSAS)дан фойдаланмоқда. 2025 йил охирига келиб, мамлакатларнинг 73 фоизи Давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (IPSAS)га мувофиқ ҳисоблаш методи асосида ҳисоб ишларини юритиб ҳисоботларни шакллантириши ёки Давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (IPSAS)ни тўғридан-тўғри қўллашлари кутилмоқда»¹. Шу сабабдан ҳам, жаҳоннинг аксарият мамлакатларида бюджет ижроси ҳисоби ва ҳисоботини Давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари талаблари асосида ривожлантирилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда олиб борилган изланишларга кўра, давлат секторида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни тузиш тартибини халқаро стандартларга мослаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Мазкур тадқиқотларда бюджет ижроси ҳисобини ташкил этишнинг усуллари ва йўналишлари, бюджет ижроси тўғрисидаги ахборотларнинг очиқлиги ҳамда ишончлилигини таъминлаш, аудитини такомиллаштириш каби масалалар ўз ечимини топган. Шунингдек, давлат секторидаги ташкилотларда маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлашда ҳисоб ахборот тизимининг ролини кучайтириш,

¹ International Public Sector Financial Accountability Index 2021 Status Report. <https://www.ifac.org/knowledge-gateway/discussion/main-challenges-public-sector-accounting-reforms-and-world-bank-s-public-sector-accounting-and>